

Ўзбекистон Республикаси номидан
Ҳ У К М

2024 йил апрель ойининг 26 куни, жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар суди очик суд мажлиси ўз биносида, судья З.Тўраевнинг раислигида, Т.Амоновнинг котиблигида, давлат айбловчиси Самарқанд шаҳар прокурори ёрдамчиси А.Мустафакуловнинг катнашувчида, судланувчи Ф.Ахмедов ва унинг ҳимоячилари - адвокат М.Фозилов ва Ш.Розиков, судланувчи М.Фазилова ва унинг ҳимоячиси - адвокат И.Азизов, жабрланувчи А.Халиков, Дж.Абдурахимов ва унинг ҳимоячиси – адвокат С.Шермамедовнинг иштирокида, Ахмедов Фарух Садридинович ва Фазилова Малика Кучкаровнага оид №1-1401-2406/225-сонли жиноят ишини кўриб чикди. Иш ҳужжатларига кўра:

Ахмедов Фарух Садридинович (Axmedov Farux Sadridinovich) 1982 йил 18 март куни Самарқанд шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, “SAM TRIO STROY” МЧЖ раҳбари, оилали, уч нафар фарзандлари бор, муқаддам судланмаган, Самарқанд шаҳар Саттепо маскани 154-уй 21-хонадонда яшайди, иш бўйича 2023 йил 14 декабрь сиртдан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилиб, қидув эълон қилинган ва шу куни ЖПКнинг 221-моддаси тартибида ушланган, айблов ҳулосаси нусхасини 2024 йил 24 февраль куни олган;

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 168-моддаси 4-қисми “а” банди билан;

Фазилова Малика Кучкаровна (Fazilova Malika Kuchkarovna) 1991 йил 2 май куни Самарқанд шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти олий, яқка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланди, бир нафар фарзанди бор, муқаддам жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг 2023 йил 13 июнь кунги ҳукми билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 184-моддаси 3-қисми, 189-моддаси 1-қисми билан ЖКнинг 57,59-моддаси тартибида базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 баравари миқдорида 30,0 млн. сўм жарима жазосига судланиб, жарима 13.06.2023 йилда тўлиқ тўланган, Самарқанд шаҳар Озод Шарқ кўчаси 17-уй 41-хонадонда яшайди, иш бўйича 2023 йил 28 ноябрь куни ЖПКнинг 221-моддаси тартибида ушланиб, 2023 йил 30 ноябрь куни гаров эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов ҳулосаси нусхасини 2024 йил 24 февраль куни олган;

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 168-моддаси 4-қисми “а” банди, 238-моддаси 1-қисми билан айбланган.



Суд, судланувчи, жабрланувчи, гувоҳнинг кўрсатувларини тинглаб, жинойт иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, тарафлар музокараларини ва судланувчининг охириги сўзини эшитиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Ф.Ахмедов “SAM TRIO STROY” МЧЖ раҳбари вазифасида ишлаб, муқаддам жабрланувчи А.Халиковнинг раҳбарлигидаги “BULUNGUR NATURAL AGRO” МЧЖ номига 2021 йил август ойида “Капитал банк” Самарқанд филиалидан олинган кредит маблағларининг олиншида “SAM TRIO STROY” МЧЖ кафил сифатида ўтиб, А.Халиков кредит маблағларини ўз вақтида тўламаганлиги сабабли “SAM TRIO STROY” МЧЖнинг ҳисоб рақамидан кредит қарздорлиги учун пул маблағи ечиб олинганидан кейин, 2023 йил июнь ойида А.Халиков Ф.Ахмедовга кредитни қоплаш ва бошқа харажатлари учун 30.000 АҚШ доллар қарзга пул топиб беришини, эвазига Оқдарё тумани Пулатдархон маҳалласида жойлашган дала ҳовлисини нотариал тартибда гаровга қўйиб туришини билдирганидан кейин, Ф.Ахмедов ўзи билан бирга ишловчи судланувчи М.Фазилова билан бир гуруҳ бўлиб, ушбу дала ҳовлини А.Халиков ўз хоҳиши билан судланувчи М.Фазилованинг онаси Л.Фазилованинг номига 2023 йил 13 июнь куни Самарқанд шаҳри А.Жомий кўчаси 80-уйда жойлашган хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариал идораси орқали нотариал тартибда расмийлаштириб берганидан кейин, ушбу дала ҳовлини ўзиники деб ҳисоблаб, ҳақиқий ёки фараз қилинган ҳуқуқларни ўзбошимчалик билан амалга ошириб, 2023 йил июль ойида дала ҳовли низоли эканлигини билгани ҳолда АЖ “InFinBank” Самарқанд вилоят филиали томонидан Ф.Ахмедов раҳбарлик қилаётган “SAM TRIO STROY” МЧЖга тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш мақсадида ажратилган 2,0 млрд. сўмлик кредит таъминоти сифатида жуда кўп миқдордаги мулкни ўзбошимчалик билан гаровга қўйиш орқали А.Халиковга жиддий зиён етказган.

Судланувчи Ф.Ахмедов суд мажлисида айбига иқроп эмаслиги, 2009 йилда “Sam Trio Stroy” МЧЖни ташкил қилиб, 14 йил давомида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб келгани, жамиятнинг ҳисоб рақами АТ “Халқ банки” Самарқанд вилоят амалиёт филиалида бўлгани, 2011 йилдан жамият таъсисчиси сифатида ишлаб келаётгани, 2021 йил АТ “Халқ банки” Самарқанд вилоят амалиёт филиали бошлиғи Хусаинов Фирдавс чақириб мен тадбиркорлик қилмоқчиман, жамият олаётган кредитга кафил бўлиб турунг, мен банкир кредитни вақтида ёпаман, сизга муаммо бўлмайди” деб айтгани, сўнг “Булунғур агро” МЧЖ томонидан олинган 230.000 АҚШ доллар кредитга “Sam Trio Stroy” МЧЖ кафил бўлгани, 2022 йил декабрь ойидан бошлаб Капиталбанк Самарқанд филиали томонидан “Булунғур агро” МЧЖ томонидан олинган кредит бўйича “Sam Trio Stroy” МЧЖни ҳисоб рақамидан пул ечиб олишни бошлагани, шундан сўнг Ф.Хусаиновни излаб банкка қилинган амалиётнинг қўриқилиши билан қўриқилганида унга нисбатан жинойти иши қўзғатилиб, қочиб кетганлигини



эшитгани, Капиталбанкдан “Булунғур агро” МЧЖнинг таъсисчиси ва директори Халиков Азиз эканлигини ва унинг уй манзилини билиб, А.Халиковни уйига бориб, унга “Булунғур агро” МЧЖ олган кредит учун “Sam Trio Stroy” МЧЖ ҳисоб рақамидан пул ечиб олинаётганлигини айтгани, орадан бир неча кун ўтгандан кейин А.Халиков билан учрашганида “Булунғур агро” МЧЖнинг кредитини ёпиши учун бошқа кредит олишида ёрдам беришини илтимос қилгани, шундан кейин А.Халиков Самарқанд туманида жойлашган иссиқхонасини кўрсатиб, шуни гаровга қўйиб кредит олайлик дегани, Инфинбанкка бориб “Sam Trio Stroy” МЧЖ номига 2,0 млрд. сўм кредит олиш учун иссиқхонани гаровга қўйиб кредит олмоқчи бўлганида банк иссиқхона бўлмайди, қўшимча гаровга мулк қўйиш кераклигини айтгани, шундан кейин онасини Ахмедова Гулнора номида бўлган уй-жой ва 2 дона автомашиналарни банкка гаровга қўйгани, банк қўшимча гаровга қабул қилиб ҳужжатларни Тошкент шаҳрига юборгани, А.Халиков офисига келиб кредит керак эмас, менга срочни пул керак Оқдарё тумани “Пўлатдархон” маҳалласида жойлашган дала ҳовлимни 35.000 АҚШ доллариға сотаман дегани, А.Халиков ушбу дала ҳовлини доверност бўйича ўзига тегишли эканлигини айтгани, сўнг Ким Игорга дала ҳовлини мотиб олишни таклиф қилгани, Ким Игорь ва А.Халиковнинг укаси Халиков Шохрух билан дала ҳовлини бориб кўришгани, Ким Игорь дала ҳовлини кўриб, катта йўлдан анча ичкарида экан ва 30.000 АҚШ доллариға арзимас экан сотиб олмайман дегани, офисида ишловчи М.Фазилова “дала ҳовлини кўрдингизми, қандай экан, 30.000 АҚШ доллариға сотмас эканми, онам касал, домда яшайман, шунинг учун маъкул келса 30.000 АҚШ доллариға сотиб оламан дегани, А.Халиковга М.Фазилованинг таклифини айтганидан кейин улар ўзаро гаплашгани, А.Халиков нотариусни ўзи топиб, нотариусга бирга бориб дала ҳовлини М.Фазилованинг онаси Л.Фазилованинг номига расмийлаштириб сотганлиги, сўнг ушбу дала ҳовлини ҳам Инфинбанкдан олинган кредитга гаров таъминоти сифатида қўйишгани, Инфинбанк Самарқанд филиали томонидан “Sam Trio Stroy” МЧЖга 2,0 млрд. сўм кредит ажратилганидан кейин А.Халиков қаердандир хабар топиб, банкдан кредитни нақд пулда олаётган вақтида 3-4 та нафар танишлари билан банкка келиб, пул менга тегишли деб туриб олгани, шундан кейин А.Халиковни таниши Неметов Бегзод ва бошқалар банкдан олинган пулни олиб кетаётган Қодир исмли ишчиси бошқарувидаги Дамас машинасини қисиб тўхтатиб пулни қаерга олиб кетяпсан деб туриб олишгани, шунда ўзи етиб бориб офисга юринглар гаплашамиз дегани, офисга келгандан кейин А.Халиковга сен билан бирга тадбиркорлик қилмасам, нима учун кредитни сенга беришим керак дегани, шунда А.Халиков илтимос қилиб, бир ҳафтага қарзга бериб туришини, пул зарурлигини айтгани, сўнг Самарқанд шаҳар мармар бозорини олдиға бориб номаълум шахсдан 30.000 АҚШ долларини олиб, А.Халиковга бергани, “Sam Trio Stroy” МЧЖга қурилиш моллари олиш учун ажратилган кредитдан мақсадли фойдаланаётгани, “Булунғур агро” МЧЖ томонидан олинган кредит бўйича “Sam Trio Stroy” МЧЖни ҳисоб рақамидан Капиталбанк томонидан ечиб олинган 98,0 млн. сўм пул маблағи А.Халиков томонидан қоплаб



берилмагани, “Булунгур агро” МЧЖ томонидан олинган кредит бўйича “Sam Trio Stroy” МЧЖ кафил бўлгани учун иктисодий суднинг қарори билан “Sam Trio Stroy” МЧЖнинг балансидаги 12 та автомашиналар МИБ томонидан тақиққа олиниб жарима майдонига қўйилганлиги сабабли жамият 500-600 млн. сўм атрофида зарар кўргани, бундан ташқари ҳисоб рақамига картатека ҳам қўйилгани, “Булунгур агро” МЧЖ олган кредитга “Sam Trio Stroy” МЧЖ кафил бўлгани учун А.Халиков жавоб тариқасида “Sam Trio Stroy” МЧЖга ажратилган кредитга ўзига тегишли иссиқхонани гаровга қўйгани, А.Халиковга тегишли иссиқхона фаолият юритмаслиги ва экин экилмагани, А.Халиковга иссиқхонасини сотиб оламан деб айтмагани, банк ходимлари иссиқхонани бориб кўришгани, бизнес планда кредитни нима учун сарфланиши кўрсатилгани, иссиқхонани сотиб олиш ҳақида бизнес план тузилмагани, кредитни бирга ишлатиш ҳақида А.Халиков билан келишмагани ёки келишув тузмагани, А.Халиков иссиқхонани гаровга қўйганидан кейин ажратилган 2,0 млрд. сўм кредитни менга бер, мен эски кредитимни ёпаман деганида унга бундай қилолмаслигини, чунки кредитдан мақсадсиз фойдаланган бўлиши мумкинлигини айтгани, кредит шартномасига кўра 2025 йилгача график асосида тўлаб бориш белгилангани, ҳозирда ҳам кредитни график асосида тўлаб келаётгани, А.Халиковга олган 30.000 АҚШ долларини қайтаргин деганида пулни Инфинбанк Самарқанд филиали ходимларига кредит ажратгани учун берганлигини айтгани, А.Халиков М.Фазиловадан олган 30.000 АҚШ долларини қайтариб берса М.Фазилова дала ҳовлисини қайтариб беришини, Абдурахимов Джаббор 2015 йилдан буён Тошкент шаҳрида жойлашган Рузметов колбаса маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхона ишчи вазифасида ишлаб, Рузметов савдо белгиси остидаги маҳсулотларни шартнома асосида “Trio Exclusive” МЧЖга етказиб бериб тургани, колбаса маҳсулотларини Дж.Абдурахимовдан қабул қилиб олиб пулини банк орқали ўтказиб бергани, 2018 йилга қадар “З.М.Рузметов” МЧЖ ва “Trio Exclusive” МЧЖ ўртасида шартнома тузиб, Дж.Абдурахимов маҳсулотларни етказиб бериб тургани, Дж.Абдурахимов маҳсулотларни фактура ва юк варақасига асосан маҳсулотларни текшириб, санаб олиб, фактура билан солиштириб кўриб, тўғри бўлса фактуранинг бир нусхасига қўл қўйиб бергани, Дж.Абдурахимов фактурани имзоланган нусхасини “З.М.Рузметов” МЧЖ га олиб кетгани, Дж.Абдурахимов калбаса маҳсулотларини бир ойда 3-4 маротаба олиб келиб бергани ва сотилган маҳсулотларни пулини пул кўчириш йўли билан ўтказгани, шартномада ҳам нақд пулда бериш кўзда тутилмагани, Дж.Абдурахимовнинг аризасидаги важлар тасдиғини топмаганлиги ва “З.М.Рузметов” МЧЖ дан олинган колбаса маҳсулотларини пулини тўлаб берганлиги сабабли уч маротаба жиноят иши кўзғатишни рад қилиш ҳақида қарор қабул қилингани, ўша вақтда “Trio Exclusive” МЧЖнинг “З.М.Рузметов” МЧЖ дан қарзи йиғилиб қолганлиги сабабли Дж.Абдурахимов ҳақиқатдан ҳам колбаса маҳсулотларини “Trio Exclusive” МЧЖга етказиб берганлигини раҳбариятига исботлаши учун тилхат ва қарз шартномаси расмийлаштириб беришини айтганидан кейин унга

тўлаб бергани ва Дж.Абдурахимов ўзига тегишли Лочин логистика корхонаси



номидан тузилган қарз шартномасини имзолаб бергани, шундан кейин “З.М.Рузметов” МЧЖ дан бўлган қарзларини тўлиқ тўлаб бергани, ҳозирда Дж.Абдурахимов ёки «З.М.Рузметов» МЧЖ дан қарзи мавжуд эмаслиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини билдириб, қонуний енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Судланувчи М.Фазилова суд мажлисида айбига иқроор эмаслиги, Ф.Ахмедовга тегишли жамиятда ҳисобчи бўлиб ишлашини, Самарқанд шаҳар Боғишамол кўчасидаги кўп қаватли уйда ота онаси билан бирга яшаганлиги ҳамда ўша вақтда ҳомиладор бўлганлиги сабабли шаҳар ташқарисидан дала ҳовли сотиб олмоқчи бўлгани, Ф.Ахмедов Оқдарё тумани “Пўлатдархон” МФЙда А.Халиковга тегишли дала ҳовли 35.000 АҚШ долларига сотилаётганлигини айтгани, Ф.Ахмедовга дала ҳовлини кўришини айтгани, шундан кейин Ф.Ахмедов А.Халиков билан бирга дала ҳовлини кўрсатганида 28.000 АҚШ долларига сотиб олишини билдиргани, А.Халиков дала ҳовлисини 30.000 АҚШ долларига сотишга рози бўлгани, А.Халиковни шу вақтлари танигани, А.Халиков нотариал идорани топиб, барча ҳужжатларни ўзи тайёрлаб чақиршини айтгани, орадан бир ҳафта вақт ўтиб А.Халиков кўнғироқ қилиб нотариал идоранинг локациясини ташлаб бергани, дала ҳовлини онаси Фазилова Людмилани номига олаётганлиги сабабли онаси билан бирга нотариал идорага бирга боришгани, нотариал идоранинг ташқарисидан А.Халиковга 30.000 АҚШ долларини бергани, сўнг онаси Л.Фазилова билан биргаликда нотариал идорага кириб, дала ҳовлини онасининг номига расмийлаштиргани, нотариус А.Халиковдан пулни олдингизми деганида ҳа олдим деб жавоб бергани, А.Халиков ва Ф.Ахмедов ўртасидаги олди-бердидан хабари йўқлиги, нотариусга Ф.Ахмедов бормагани, Ф.Ахмедов билан бирга ишлашини, А.Халиковга 30.000 АҚШ доллар берганлигини ҳеч ким кўрмагани, пулни уйдан олиб чиққанлигини онаси Л.Фазилова кўргани, Ким Игорни танимаслиги, Ким Игор унга ёки онасига ҳеч қандай қариндош эмаслиги, Ф.Ахмедов ушбу дала ҳовлини кредит таъминоти сифатида гаровга қўйишини илтимос қилганлиги учун Инфинбанкка гаровга қўйгани, дала ҳовлини гаровга қўйганлиги ҳолати бўйича ҳеч қандай манфаатдор бўлмагани, нотариусда А.Халиковни ҳеч ким мажбурламагани, А.Халиковга Л.Фазилованинг паспорт нусхасини нотариусга боришдан олдин унга тақдим қилингани, Ф.Ахмедов А.Халиковга 30.000 АҚШ долларини дала ҳовлини расмийлаштирганидан кейин қарзга берганлигини айтганлиги, тергов даврида ёлғон кўрсатув ёки ёлғон гувоҳлик бермагани, А.Халиков 30.000 АҚШ долларини Ф.Ахмедовга қайтариб берса, кейин Ф.Ахмедовдан 30.000 АҚШ долларини олса дала ҳовлини қайтариб беришини, Дж.Абдурахимов ва Ф.Ахмедов ўртасидаги олди-бердидан хабари йўқлиги, “Булунғур агро” МЧЖ томонидан олинган кредит бўйича “Sam Trio Stroy” МЧЖни ҳисоб рақамидан Капиталбанк томонидан 98,0 млн. сўм пул маблағи ечиб олингани, бундан ташқари “Булунғур агро” МЧЖ томонидан олинган кредит бўйича “Sam Trio Stroy” МЧЖнинг балансидаги 12 та автомашиналар МИБ томонидан тақиққа олиниб жарима майдонига қўйилганлиги сабабли жамият зарар кўрганлиги, қонуний енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.



Ф.Ахмедов ва М.Фазилова айбига иқрор эмаслиги ҳақида кўрсатув берган бўлса-да уларнинг жиноят содир этганликдаги айби қуйидагилар билан ҳам ўз исботини топган. Жумладан:

жабрланувчи Дж.Абдурахимовнинг суддаги, юк ташиш йўналиши бўйича тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишини, 2015 йил 2018 йилга қадар судланувчи Ф.Ахмедовнинг Самарқанд шаҳридаги Осиё савдо дўконига Тошкент шаҳридан Рузметов колбаса маҳсулотларини олиб келиб бергани, шу орада Ф.Ахмедов олинган маҳсулотларини пулини тўлолмаганидан кейин унга қарзни ҳужжат билан расмийлаштириб қўйилик дегани, Ф.Ахмедов 2018 йилда қарзини 2 ой ичида тўлаб бериши ҳақида тилхат ва қарз шартномасини расмийлаштиргани, Ф.Ахмедов 2 йил давомида 70,0 млн. сўмни қайтариб, 80,0 млн. сўмни қайтармасдан қолиб кетгани, Ф.Ахмедовга қанча сўмлик маҳсулот берганлиги ёдида йўқлиги, Ф.Ахмедовга юкларни накладной ёки шартнома асосида олдиндан тўлов қилингандан кейин маҳсулот берилгани, пули нақд бўлса товар реализация қилинганидан кейин бўлиб-бўлиб олингани, “Тrio Exclusive” МЧЖ ва “З.М.Рузметов” МЧЖ ўртасида тузилган шартномага асосан маҳсулотларни Тошкент шаҳридан Самарқанд вилоятига етказиб бергани, Ф.Ахмедов билан колбаса маҳсулотларини оиб бориб бериб, шундан 80,0 млн. сўм қолиб кетгани, “З.М.Рузметов” МЧЖ билан Ф.Ахмедов ўртасидаги олди-берди тўлик ёпилгани, ўзи тадбиркор бўлганлиги сабабли Ф.Ахмедовга маҳсулотни нақд пулда олиб келиб бергани, Лочин Логистик МЧЖ ўзига тегишли экани, Лочин Логистик МЧЖ томонидан маҳсулот берилмагани, Лочин Логистик МЧЖ печати билан хусусий тадбиркор Ф.Ахмедов билан қарз шартномасини расмийлаштириб қўйгани, лекин Лочин Логистик МЧЖ ва Ф.Ахмедов ҳамда Осиё супермаркети ўртасида колбаса маҳсулотлари етказиб бериш бўйича шартнома тузилмагани, Ф.Ахмедовга колбаса маҳсулотларини фуқаро сифатида шартномасиз келишув асосида бергани, колбаса маҳсулотларини олиб бориб, бир ҳафтада пулини тўлаш шarti билан оғзаки келишув қилиб, маҳсулотларини етказиб бергани, шундан кейин Ф.Ахмедов қарз бўлиб қолганидан кейин ишонч сифатида тилхат ёзиб бераман дегани, “З.М.Рузметов” МЧЖ да логистик бўлиб ишламаслиги, “З.М.Рузметов” МЧЖ да буйруқ ва меҳнат шартномаси асосида ишламагани, “З.М.Рузметов” МЧЖ билан шартнома асосида ишлаши мумкинлиги, “З.М.Рузметов” МЧЖ ва Ф.Ахмедов билан маҳсулот етказиб бериш юзасидан уч томонлама шартнома тузилмагани, судланувчи Ф.Ахмедовдан 80,0 млн. сўмни ундириб бериш ҳақидаги;

жабрланувчи А.Халиковнинг суддаги, унга тегишли “Булунғур агро” МЧЖ томонидан олинган 230.000 АҚШ доллар кредитга Ф.Ахмедовга тегишли “Sam Trio Stroy” МЧЖ кафил бўлган вақтида Ф.Ахмедов билан танишгани, қарзга пул бериб туришини сўраганида Ф.Ахмедов ўзининг Игор исмли таниши кўчмас мулк эвазига қарзга пул бериб туришини айтгани, шундан кейин Оқдарё туманидаги дачасини Ф.Ахмедов, Игов ва укаси Шохрух билан бориб кўришгани, Ф.Ахмедов Игор дачани 30.000 АҚШ долларига сотиб олишини айтгани, агарда дачани Игорни номига нотариал



расмийлаштириб берса 30.000 АҚШ долларини қарзга беришини, қарзидан кутулганидан кейин дачани қайтариб беришини айтганидан кейин унинг таклифига рози бўлгани, шундан кейин Ф.Ахмедов Ким Игорнинг онаси деб Л.Фазилованинг паспортини телеграмдан ташлаб бергани, сўнг нотариусни топиб ҳужжатларни тайёр қилиб, Игорнинг онаси нотариусга келсин деганида ҳозир Фазилова Малика олиб боради дегани, унга Малика нима қилади деганида Ким Игор Маликанинг қўшниси бўлади, шунинг учун Фазилова Людмилани олиб боради дегани, нотариусга М.Фазилова онаси Л.Фазилонани олиб келгани, нотариусда Л.Фазилова билан гаплашмасдан дачани расмийлаштириб бергани, Ф.Ахмедовга расмийлаштириб берганлигини айтганида кадастрдан ҳам ҳужжатни олиб келинг дегани, кечга бориб пулни бер деганида эрта индин деб алдаб юргани, орадан 3 ҳафта ўтганидан кейин Ф.Ахмедовнинг “Sam Trio Stroy” МЧЖга кредит олмоқчи бўлишгани, чунки банкка обороти бўлган фирмага кредит чиқиши учун “Sam Trio Stroy” МЧЖга кредитни чиқаришга келишишгани, Ф.Ахмедов гаровни ўзингиз қўйиб, кредитни ҳам ўзингиз ишлатасиз дегани, чунки биринчи олган кредитини тўлаши учун маблағ керак бўлгани, шунинг учун кредитни “Sam Trio Stroy” МЧЖга чиқариб эски кредит қоплашга келишгани, агарда эски кредитни қопласа “Sam Trio Stroy” МЧЖ кафиликдан чиқиб кетиши керак бўлгани, “Sam Trio Stroy” МЧЖга гаровга Самарқанд туманида жойлашган иссиқхонани қўймоқчи бўлгани, банк иссиқхона бўлмади деганидан кейин дачани ҳам кредитга гаровга қўймоқчи бўлгани, яна қўшимча гаров деганидан кейин Ф.Ахмедов кўчмас мулки ва автомашинасини қўйгани, сўнг Самарқанддаги Инфинбанкдан 2023 йил июнь ойида банк ходимлари кўнғироқ қилиб 2,0 млрд кредит чиққанлигини айтгани, уларга банкка бориб кредитни ўзим олсам бўладими деганида йўқ МЧЖ раҳбари ўзи келиб қўл қўйиб олиши мумкинлигини айтгани, сўнг Ф.Ахмедовга кўнғироқ қилиб кредит чиққанлигини бориб олиш кераклигини айтгани, бугун вақти йўқлиги, ўртоғини тўйи борлигини, душанба куни бориб олишини айтгани, шундан кейин банкка борганида Ф.Ахмедов, М.Фазилова ва унинг Қодир исмли ишчиси банкдан пулни олаётганлиги кўриб унга сен душанба куни оламан деган эдингку дегани, Ф.Ахмедов банкдан пулни олиб чиқиб машиналарга ортгани, унга пулни унга бериши лозимлигини айтгани, офисга борайлик кейин гаплашамиз дегани, шундан кейин ўзи ҳам ўртоқлари билан банкка борганлиги сабабли пул ортилган машиналарни ортидан юришгани, лекин Қодир исмли шахс машинани Ф.Ахмедовни офисига эмас бошқа томонга қараб кетаётганлигини кўриб, пулни қаерга олиб кетёсан дегани, шунда пулни Каттақўрғон шаҳрига олиб бориши кераклигини айтгани, унга пулни Ф.Ахмедовни офисига олиб бориши кераклигини айтгани, сўнг Ф.Ахмедовни офисига олиб боришгани, Ф.Ахмедов пулни эртага бераман, фирмани ўзингизни номингизга ўтказиб кредитни ўзингиз тўлаб борасиз дегани, шунда Ф.Ахмедовга пул зарур деганидан кейин Самарқанд шаҳар Мармар бозорига бориб, 30.000 АҚШ долларини кимгадир алмаштириб чиқиб унга бергани, сўнг Ф.Ахмедовдан 30.000 АҚШ долларини олгани, эртаси куни Ф.Ахмедовдан кредитни қолган қисмини сўраганида пул Қодир акани уйда



турибди, олиб бераман дегани, шундан кейин бугун, эрта деб пулни бермагани, кредит мақсадсиз яъни нақд пулда ажратиладиган кредит бўлгани, жамият хоҳлаган йўналишида ишлатиши мумкинлиги, дала ҳовли бўйича нотариус пулни олдингизми деб сўрамагани, Ф.Ахмедов дала ҳовлини нотариал расмийлаштириб беринг тушликдан кейин пулини бераман дегани, “Булунғур агро” МЧЖга Капиталбанкдан олинган 230.000 АҚШ доллар кредитга “Sam Trio Stroy” МЧЖ кафил бўлгани, кафил бўлиш таклифи АТ “Халқ банки” Самарқанд амалиёт филиалида бўлим бошлиғи вазифасида ишлаган Хусеинов Фирдавсдан чиққани, Ф.Хусаинов “Sam Trio Stroy” МЧЖ кафил бўлиши учун жамият раҳбари Ф.Ахмедовга 50,0 млн. сўм пул бериш кераклигини айтгани, Ф.Ахмедов 50,0 млн. сўм пул эвазига масъулияти чекланган жамияти орқали кафил бўлгани, “Булунғур агро” МЧЖга ажратилган кредит қисман тўланиб келингани, 92,0 млн. сўм пул маблағи “Булунғур агро” МЧЖ кредити учун Ф.Ахмедов томонидан телефон орқали ўтказиб берилгани, Ф.Ахмедов 92,0 млн. сўмни ўтказиб берган пули учун эртаси куни унга ушбу пулни нақд кўринишда қайтаргани, 5,5 млн. сўм пул “Булунғур агро” МЧЖнинг кредит қарзи учун “Sam Trio Stroy” МЧЖ ҳисоб рақамидан мажбуран ечиб олингани, “Булунғур агро” МЧЖ кредити учун Ф.Ахмедовга тегишли жамиятни мол-мулкларига ундирув қаратилмагани, “Булунғур агро” МЧЖга ажратилган кредит ҳозирда тўлиқ қопланмагани, ушбу кредит бўйича Ф.Ахмедовга тегишли мулкларга ундирув қаратилмагани, Инфинбанкдан олинган кредитни агарда у олганида “Булунғур агро” МЧЖнинг кредитини тўлаб, Ф.Ахмедовга тегишли “Sam Trio Stroy” МЧЖ кафилликдан чиқиб кетиши керак бўлгани, лекин бундай бўлмагани, чунки кредитни Ф.Ахмедов унга бермагани ва ушбу кредит учун мулкларини гаровга қўйгани, кредит “Sam Trio Stroy” МЧЖ номига олинган бўлсада кредит тўланмасдан қолса унга тегишли гаровга қўйилган иссиқхона ва дала ҳовлига ундирув қаратилиши мумкинлиги, “Булунғур агро” МЧЖнинг кредити бўйича “Sam Trio Stroy” МЧЖнинг ҳисоб рақамига банд солинмагани, аслида “Sam Trio Stroy” МЧЖ 3,0 млрд. сўмга яқин солиқни тўламагани учун унинг ҳисоб рақамига банд солингани, дала ҳовли Л.Фазиловани номига расмийлаштирилганидан кейин банкка гаров қўйилиб 2,0 млрд. сўм кредит чиққани, Ф.Ахмедовдан дала ҳовлини пулини сўраганида Игор пул бермаяпти деб келгани, Ф.Ахмедовдан олган 30.000 АҚШ долларини келгусида иссиқхонаси гаровдан чиқиб, дала ҳовлиси ўзига қайтарилса пулни қайтариб беришини, “Sam Trio Stroy” МЧЖга кредитни тўлолмасдан қолиб ундирув гаровга қўйилган мулкка қаратилса кредитни тўлаши учун қайтармаётгани, Ф.Ахмедов иссиқхонаси гаровдан чиқиб, дала ҳовлисини ўзига қайтарса ва у билан ўртасида ҳисоб-китоб қилганидан кейин 30.000 АҚШ долларини қайтариб беришини, нотариусга М.Фазилова ва Л.Фазилова билан бирга боришгани, дала ҳовлининг қиймати тахминан 1,0 млрд. сўм атрофида туришини, М.Фазиловадан пул олмагани, дала ҳовлисини қайтариб бериш ҳақидаги;

гувоҳ Ф.Бектураевнинг суддаги, 2022 йил март ойидан 2023 йил август га қадар Самарқанд шаҳар А.Темур МФЙда профилактика инспектори



лавозимида ишлагани, 2023 йил июнь ойи охирларида А.Темур МФЙда судланувчи Ф.Ахмедовга тегишли жамиятнинг офисида жанжал бўлаётганлиги юзасидан кўл телефонига кўнғироқ бўлгани, ушбу жойда тартибни сақлаш мақсадида борганида Ф.Ахмедов ва А.Халиков тортишиб турганлигини кўриб уларни тинчлантиришга ҳаракат қилгани, улар ўзаро келишиб олгани ва ўрталарида муаммо йўқлигини билдирганидан кейин у ердан кетгани, ҳеч ким ёзма равишда мурожаат қилмаганлиги, уларга ёзма равишда ариза берса кўриб чиқишини айтгани, улар ариза бермагани учун тушунтириш хати олмагани, ҳозирда ҳолатга анча вақт бўлгани ва иш фаолияти давомида бунақа ҳолатлар кўп бўлганлиги сабабли ҳамма ҳолатлар ёдида йўқлиги, офисда ўша вақти Ф.Ахмедов, А.Халиков, М.Фазилова бўлгани, М.Фазилова унга А.Халиков келиб жанжал қилаётганлигини билдиргани, улар нима учун жанжал қилганидан хабари йўқлиги ҳақидаги;

гувоҳ Ким Игорь Константиновичнинг суддаги, судланувчи Ф.Ахмедов билан анча йил олдин тадбиркорлик фаолияти юзасидан танишгани, 2023 йил июнь ойида Ф.Ахмедов Оқдарё тумани “Пўлатдархон” маҳалласида сотиладиган дала ҳовли борлигини айтгани, Ф.Ахмедов билан биргаликда Оқдарё тумани “Пўлатдархон” маҳалласида жойлашган дала ҳовлига боришгани, у ерда унга нотаниш бўлган йигит кутиб олиб, дала ҳовлига олиб боргани, дала ҳовли йўлдан анча ичкарида жойлашганлиги сабабли Ф.Ахмедовга сотиб олмаслигини айтгани, орадан тахминан бир ой вақт ўтганидан сўнг уйига илгари нотаниш бўлган А.Халиков келиб дала ҳовлини пулини беришини сўрагани, унга дала ҳовли олмаганлигини айтгани, унга Ф.Ахмедовга дала ҳовлини сотиб олмаслигини айтганлигини билдиргани, шунда А.Халиков Фазилова Людмила унга ким бўлишини сўрагани, Л.Фазиловани танимаслигини ва у билан ҳеч қандай қариндошчилик алоқаси йўқлиги айтгани, Ф.Ахмедов Л.Фазиловани уни онаси сифатида таништирганлигини айтгани, А.Халиков Л.Фазилованинг паспорт нусхасини кўрсатганида у аёл рус миллатига мансублигини, уни танимаслигини айтгани, М.Фазиловани Ф.Ахмедовнинг корхонасида ҳисобчи бўлиб ишлашини билиши, М.Фазилова ёки Л.Фазилова билан гаплашмагани, Ф.Ахмедов билан А.Халиковга тегишли бўлган дала ҳовлини сотиб олиш бўйича ҳеч қандай келишув бўлмагани, Ф.Ахмедов билан А.Халиковга қарз бериш эвазига унинг дала ҳовлисини Л.Фазилованинг номига расмийлаштириб олиш бўйича ҳеч қандай режа тузмагани ҳақидаги;

гувоҳ Ш.Халиковнинг суддаги, акаси Халиков Азиз 2023 йил 6 июнь куни кўнғироқ қилиб, бировдан қарзга пул олаётгани, ушбу пулларни ўрнига вақтинчалик гаров тариқасида таниши Фаррухнинг ўртоғи Игор исмли шахсга Оқдарё тумани, “Пўлатдархон” МФЙ 489-сонли дала ҳовлини Ф.Ахмедовга кўрсатишини айтгани, сўнг акаси судланувчи Ф.Ахмедовни телефон рақамини бергани, Ф.Ахмедов билан телефонлашиб, Самарқанд шаҳар Мотрид кругини олдида учрашишга келишгани, ўзига тегишли автомашинада уларни кутиб тургани, Ф.Ахмедов корейс миллатига мансуб Игор исмли шахс билан келгани, уларга автомашинасининг орқасидан ҳайдашини айтгани, уларни дала ҳовлига олиб боргани, Ф.Ахмедов ва корейс миллатига мансуб Ким



Игорь дала ҳовлини кўриб чиқиб дала ҳовлини телефонига расмга олиб ўзаро дача ёқдими деб ўзаро гаплашишгани, Ким Игорь дачани сотиб олмайман деган гапини эшитмагани, кейин яна бир маротаба банк ходимларини ҳам дала ҳовлига олиб бориб кўрсатгани, дала ҳовли оиласига тегишли экани, Ф.Ахмедов дала ҳовлини Игорнинг онасини номига ўтказяпмиз деб М.Фазилованинг онаси Л.Фазиловани номига расмийлаштириб олганлиги, лекин дала ҳовли нотариал расмийлаштириб берилган бўлсада Ф.Ахмедов дала ҳовли учун бериши керак бўлган 30.000 АҚШ долларини бермагани, дала ҳовли катта йўлдан узоқда жойлашгани, акаси А.Ахаликовдан дала ҳовлини сотиб олган шахс пул бермаганлигини эшитгани ҳақидаги;

гувоҳ Л.Фазилованинг суддаги, 2023 йил 13 июнь куни қизи М.Фазилова кўнғироқ қилиб, унинг номига дала ҳовли сотиб олаётганлигини, нотариусга келишини айтгани, нотариусга борганида А.Халиков келгани, А.Халиков билан ҳеч нарсани гаплашмагани, нотариус А.Халиковга пулни олдинги деганида ха олдим дегани, А.Халиков унга мурожаат қилмагани, нотариусда ҳамма ўз хоҳиши билан имзо қўйиб бергани, яшаётган уйи кичик бўлганлиги сабабли қизи М.Фазилова дачани 30.000 АҚШ долларга сотиб олганлигини айтгани, дачани сотиб олганидан муаммо бўлганлиги сабабли дачага боришмагани, қизи М.Фазилова пулни А.Халиковга бергани, лекин буни ўз кўзи билан кўрмагани ҳақидаги;

гувоҳ Б.Багировнинг суддаги, АЖ “InFinBank” Самарқанд вилоят филиалида кредит бўлими бошлиғи лавозимида ишлаб келаётгани, 2023 йил июль ойида АЖ “InFinBank” Самарқанд қишлоқ филиалига Ф.Ахмедов раҳбарлик қилиб келаётган “SAM TRIO STROY” МЧЖ тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш мақсадида 2 млрд. сўм кредит олиш юзасидан мурожаат қилгани, гаров таъминоти сифатида 4 та мулк қўйилгани, кредит таъминоти сифатида олинган иссиқхона А.Халиковга тегишли жамият балансида экани, Л.Фазиловани номида бўлган дала ҳовли ҳам гаров таъминоти сифатида қўйилгани, “SAM TRIO STROY” МЧЖга ажратилган кредит мониторинг қилинганда жамият томонидан кредитдан мақсадли фойдаланилаётганлиги аниқлангани, “SAM TRIO STROY” МЧЖга ажратилган кредитга Ф.Ахмедов А.Халиковга тегишли иссиқхонани сотиб олмақчи деган гапларидан хабари йўқлиги ва буни гувоҳи бўлмагани, кредит кимга ажратилган бўлса ўша шахсга берилишини ва ўша шахс томонидан қайтарилишини, иссиқхонани гаровга олишдан олдин бориб кўришгани, кредит тўловлари ўз вақтида тўланиб келинаётгани, 2023 йил март ойи кредит тўлови тўланмагани, ҳозирги кунда тахминан асосий қарздан 1 млрд. 300 млн. сўм қолгани, гаров таъминоти сифатида олинган Л.Фазиловани номидаги дала ҳовлини гаровдан чиқариш бўйича мурожаат қилишгани, АЖ “InFinBank” марказий офиси томонидан ўрганиб чиқилиб рад қилинганлиги сабабли гаров таъминотидан чиқарилмаганлиги, агарда кредит тўланмаса ундирув гаровга қўйилган мулкларга қаратилишини мумкинлиги ҳақидаги;

гувоҳ Д.Тоҳтасиновнинг суддаги, АЖ “InFinBank” Самарқанд вилоят филиали бошқарувчиси ўринбосари лавозимида ишлаб келаётгани, 2023 йил июль ойида АЖ “InFinBank” Самарқанд вилоят филиали томонидан “SAM



TRIO STROY” МЧЖ тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш мақсадида 2,0 млрд. сўм кредит олиш юзасидан мурожаат қилгани, “SAM TRIO STROY” МЧЖ бундан олдин ҳам кредит олиб вақтида қайтаргани, жамиятнинг кредит тарихи яхши бўлгани ва обороти катта бўлганлиги сабабли 2 млрд. сўм кредит ажратилгани, кредит таъминотига олинаётган ҳар бир мулкни бориб кўришларини, “SAM TRIO STROY” МЧЖга ажратилган кредит учун гаров таъминотига олинган иссиқхонани бориб кўришгани, Ф.Ахмедов “SAM TRIO STROY” МЧЖга ажратилган кредит ҳисобига А.Халиковга тегишли иссиқхонани сотиб олмақчи бўлганлиги ёки бўлмаганлигидан хабари йўқлиги, “SAM TRIO STROY” МЧЖга ажратилган кредитга А.Халиковни алоқаси йўқлиги, кредитни ким олса ўша шахс жавоб бериши, гаровга қўювчи кредитни олишга ҳақи йўқлиги, кредит тўланмасдан муаммога айланса кредит олувчи ва гаровга қўювчига огоҳлантириш берилиб, кредит тўланмаса ундирув гаровга қўйилган мулкларга қаратилиши ҳақида огоҳлантирилишини, 2023 йил март ойи кредит тўланмасдан муаммо бўлгани, бундан олдин кредит бўйича тўловлар амал оширилгани, ҳозирги кунда тахминан асосий қарздан 1 млрд. ортиқроқ қарздорлик қолгани, 300.000.000 сўм кредит қарзи бўйича олдиндан тўлов амал оширилгани, ушбу олдиндан тўлов гаров таъминоти сифатида олинган Л.Фазиловани номидаги дала ҳовлини гаровдан чиқариш бўйича мурожаат қилинган, лекин АЖ “InFinBank” марказий офиси томонидан ўрганиб чиқилиб гаров таъминотидан чиқариш рад қилинганлиги, кредит ажратиш бўйича А.Халиков ва бошқалардан моддий манфаатдор бўлмагани ҳақидаги;

гувоҳ Р.Нурқосимовнинг суддаги, Самарқанд шаҳрида хусусий нотариал идорасида нотариус лавозимида ишлаб келаётгани, 2023 йил 13 июнь куни фуқаро Халиков Азиз ўзига тегишли Оқдарё тумани “Пўлатдархон” МФЙда жойлашган 489-сонли дала ҳовлисини Фазилова Людмилага сотганлиги бўйича мурожаат қилгани, олди-сотди шартномасини тасдиқлашдан олдин сотувчи А.Халиков ва сотиб олувчи Л.Фазиловани олдида улардан сотувчига пулни олдингизми деб сўраганида ҳа олдим деганидан кейин, уларни имзоси ва бармоқ излари билан тасдиқлатиб, олди-сотди шартномасини расмийлаштириб бергани, шу вақтда сотувчи ва сотиб олувчи ўртасида ҳеч қандай низо бўлмагани, олди-сотди шартномаси видео ёзуви вақт ўтиши билан ўчиб кетгани, чунки мажбурий тартибда видео ёзувга олинмиши лозим бўлган нотариал битим бўлмаганлиги сабабли видеога олинмагани, сотувчи ёки сотиб олувчига ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилгани, ушбу нотариал битимни расмийлаштириш бўйича А.Халиков мурожаат қилгани, қарз шартномаси бўйича А.Халиков мурожаат қилмагани, шартномада улар томонидан келишилган суммани кўрсатгани, давлат божи сотиб олувчи томонидан тўлангани, пулни олдингизми деб сўраш одатий ҳол бўлганлиги сабабли буни сўрамасликнинг иложи йўқлиги, сотувчига пулни олмаган бўлсангиз эртага мулкни қайтариб олиш имкони йўқолишини тушунтиргани, агарда тарафлар пулни олмаган бўлса низо суд тартибида ҳал этилиши ҳақидаги;



гувоҳ А.Султоновнинг суддаги, “SAM TRIO STROY” МЧЖда директор ўринбосари вазифасида ишлаб келаётгани, терговчи Ғ.Абдуллаев чақириб, сўроқ қилган вақтида А.Халиков ариза билан мурожаат қилганлигини эшитгани, шу вақтида А.Халиковга тегишли дала ҳовли олди-сотдисидан хабар топгани, М.Фазилова дала ҳовли учун А.Халиковга 30.000 АҚШ доллар берганлигини эшитгани, тергов вақтида М.Фазиловага 30.000 АҚШ долларини бериб, А.Халиковга дала ҳовлисини қайтариб, Ф.Ахмедовни қамокдан чиқаришга ҳаракат қилгани, чунки Ф.Ахмедов билан бирга “SAM TRIO STROY” МЧЖ биргаликда юритишга келишганлиги, жамиятнинг иши тўхтаб қолгани, А.Халиков талаб қилган Л.Фазиловани номидаги дала ҳовли АЖ “InFinBank” Самарқанд вилоят филиали томонидан гаровга олинганлиги сабабли “SAM TRIO STROY” МЧЖ томонидан АЖ “InFinBank” Самарқанд вилоят филиалидан олган кредити учун 400.000.000 сўмдан ортиқ суммани банкка тўлагани, кредит пуллари ўз вақтида тўланиб келинаётгани, Ф.Ахмедов ва А.Халиков ўртасидаги олди-бердига гувоҳ бўлмагани, “SAM TRIO STROY” МЧЖга ажратилган кредит бўйича келишув бўлган ёки бўлмаганидан хабари бўлмагани ҳақидаги кўрсатуви билан;

шунингдек, тақдим қилинган нарсани олиш ва кўздан кечириш баённомалари билан;

ДВД-Р дискни стенограмма қилиш баённомалари билан;

ёзма ва ашёвий далил деб топиш қарори билан;

тушунтириш хатлари, сўроқ баённомалари ва ишда тўпланган бошқа далиллар билан тўлиқ исботланган.

Бироқ, суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Ф.Ахмедовнинг жиноий қилмиши Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 168-моддаси 3-қисми “а” банди, 168-моддаси 4-қисми “а” банди билан, судланувчи М.Фазилованинг жиноий қилмиши Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 168-моддаси 4-қисми “а” банди ва 238-моддаси 1-қисми билан нотўғри квалификация қилинган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 28-моддаси иккинчи хатбошида, Айбдорликка оид барча шубҳалар, агар уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ёки маҳкумнинг фойдасига ҳал қилиниши керак деб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22-моддаси талабларига мувофиқ, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жиноят юз берганлигини, унинг содир этилишида ким айбдорлигини, шунингдек у билан боғлиқ барча ҳолатларни аниқлаши шарт. Иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун фақат ушбу Кодексда назарда тутилган тартибда топилган, текширилган ва баҳоланган маълумотлардан фойдаланиш мумкин. Гумон қилинувчидан, айбланувчидан, судланувчидан, жабрланувчидан, гувоҳдан ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслардан зўрлаш, кўрқитиш, ҳуқуқларини чеклаш ва қонунга хилоф бўлган ўзгача чоралар билан кўрсатувлар олишга ҳаракат қилиш ман этилади. Иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар

лонлама, тўла ва ҳолисона текшириб чиқилиши керак. Ишда юзага



келадиган ҳар қандай масалани ҳал қилишда айбланувчини ёки судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оклайдиган, шунингдек унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатлар аниқланиши ва ҳисобга олиниши лозим.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 408-моддасида, суд ишнинг барча ҳолатларини синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириши ҳамда ҳақиқатни аниқлаш учун ушбу Кодексда назарда тутилган барча чораларни кўриши лозимлиги кўрсатилган.

Кодекснинг 455-моддасида, ҳукм қонуний, асосли ва адолатли бўлиши шартлиги; ҳукм қонуннинг барча талабларига амал қилинган ҳолда ва қонун асосида чиқарилган бўлса, қонуний деб эътироф этилиши; ҳукм ишнинг ҳақиқий ҳолатлари унда кераклигича тўла ва юз берганига ҳақиқатан монанд тарзда аниқланган бўлса, асосли деб эътироф этилиши; ҳукм айбдорга нисбатан жазо ёки бошқа таъсир чораси у содир этган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва унинг шахси эътиборга олиниб тайинланган бўлса, айбсиз шахс эса оқланган ва реабилитация этилган бўлса, адолатли деб эътироф этилиши; суд ҳукми фақат суд муҳокамасида текширилган далиллар билан асослаши; суднинг ҳукмда ифодаланган барча хулосалари асослантирилган бўлиши лозимлиги белгилаб кўйилган.

Кодекснинг 463-моддаси 1-қисмида, айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмаслиги ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилиши; айблов ҳукмига жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларини текшириш, иш материалларида маълум бўлиб қолган барча кам-кўстни тўлдириш, юзага келган ҳамма шубҳа ва қарама-қаршилиқларга барҳам бериш натижасида йиғилган ишончли далилларгина асос қилиб олиниши лозимлиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги қарорининг 2-бандида, одил судловни фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, тарафларнинг ўзаро тортишуви, далилларнинг бевосита ва оғзаки усулда текширилиши асосида олиб борилиши ва иш бўйича ҳақиқий ҳолатни аниқлаш тўғрисидаги жиноят процессининг муҳим принципларига амал қилишлари лозимлиги, ушбу принциплардан ҳар қандай асосларга кўра чекланиш, ҳукми қонуний эмас деб топишга асос бўлиши, 4-бандида, иш бўйича ҳукм иш материалларида маълум бўлиб қолган барча кам-кўстлар тўлдирилгандан кейингина чиқарилиши мумкинлиги; маҳкумнинг айбдорлиги (айбсизлиги) тўғрисидаги суднинг хулосаларига зид бўлган далиллар ҳукмда нафақат кўрсатилиши балки, суд томонидан нима учун улар ишончсиз деб топилганлиги ва рад этилганлиги сабаблари асослантирилган бўлиши; 5-бандида, судларнинг эътибори, ЖПК 22-моддасига биноан иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун фақат қонунда назарда тутилган тартибда тўпланган, текширилган ва баҳоланган маълумотлардан фойдаланиш мумкинлигига қаратилиши, судлар ҳукм ЖПКнинг 26, 90 ва 455-моддалари талабига биноан фақат суд мажлисида текширилган ва суд мажлиси баённомасида ўз аксини



топган далилларга асосланган бўлиши лозимлигини эътиборга олишлари кераклиги, 7-бандида, ЖПКнинг 462-моддасига мувофиқ, суд айблов ёки оқлов ҳукми чиқариши мумкинлиги, ЖПКнинг 23-моддасида назарда тутилган айбсизлик презумпцияси принципи ҳукм турини аниқловчи мезон сифатида эътироф этилганлиги, 16-бандида, ЖПКнинг 463-моддасига кўра, айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмаслиги ва фақат маҳкумнинг жиноят содир этишда айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилиши, 24-бандида, суд маҳкумни баҳоловчи категорияларга тегишли белгиларга қараб айбдор деб топишда, ушбу белгининг жинойий қилмишда мавжудлигини тасдиқловчи ҳолатларни келтириши шартлиги ҳақида амалий тушунтириш берилган.

Тергов органи, судланувчи Ф.Ахмедовни ўзганинг мулкини алдаш ва ишончини суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритиш мақсадида, ўзининг таниши Абдурахимов Джаббор Абдурахимовичнинг ишончига кириб, ундан 2015 йилдан 2018 йилга қадар колбаса ва колбаса маҳсулотларини қабул қилиб олиб, ушбу колбаса ва колбаса маҳсулотлари пулларини бошида нақд шаклда бериб, унинг ишончига кириб, унинг ишончига киргандан сўнг, ушбу фуқаро Дж.Абдурахимов олиб келган колбаса ва колбаса маҳсулотларини пулларини бир қисмини бериб, қолган қисмини бермасликни олдиндан мақсад қилиб, 2018 йилга қадар 150 млн. сўмлик пулларга тенг бўлган колбаса ва колбаса маҳсулотларини пулларини бермасдан, фирибгарлик жиноятини яшириш мақсадида, жабрланувчи Дж.Абдурахимовга гўёки ундан қарз олмаган бўлса-да, келгусида ушбу пулларни бермаслик мақсадида, қарз олганлигини юзасидан тилхат ва шартнома расмийлаштириб бериб, фирибгарлик йўли билан қўлга киритган ўзганинг қўп миқдоридagi 150 млн. сўмлик колбаса ва колбаса маҳсулотларини сотиб, пулларини ўзининг шахсий эҳтиёжлари учун ишлатиб юборганликда айбланган.

Иш ҳужжатлари ҳамда судда ва дастлабки тергов аниқланган ҳолатларга кўра, “З.М.Рузметов” МЧЖ ва Ф.Ахмедовга тегишли “Trio Exclusive” МЧЖ ўртасидаги шартномага асосан Дж.Абдурахимов томонидан колбаса маҳсулотлари “Trio Exclusive” МЧЖга қарашли супермаркетга етказиб берилиб, ишга қўшилган тўлов ҳужжатларига кўра ЧП Ф.Ахмедов томонидан “З.М.Рузметов” МЧЖга пул маблағлари банк орқали кўчириб берилган.

Судланувчи Ф.Ахмедов ва Дж.Абдурахимов ўртасида 2018 йил 21 апрель куни тузилган қарз шартномасига кўра, Дж.Абдурахимов Ф.Ахмедовга 150,0 млн. сўм пулларни 2019 йил 31 декабрь кунига қадар қайтариш шarti билан қарзга берилганлиги кўрсатилиб, ушбу қарз шартномаси Дж.Абдурахимов ўзига тегишли Лочин логистик МЧЖ ва хусусий тадбиркор Ахмедов Фаррух Садриддиновичнинг мухри билан тасдиқланган.

Судланувчи Ф.Ахмедов суд мажлисида, Абдурахимов Джаббор 2015 йилдан буён Тошкент шаҳрида жойлашган Рузметов колбаса маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхона ишчи вазифасида ишлаб, Рузметов савдо белгиси остидаги маҳсулотларни шартнома асосида “Trio Exclusive”

ЎЖга етказиб бериб тургани, колбаса маҳсулотларини Дж.Абдурахимовдан



қабул қилиб олиб пулини банк орқали ўтказиб бергани, 2018 йилга қадар “З.М.Рузметов” МЧЖ ва “Trio Exclusive” МЧЖ ўртасида шартнома тузиб, Дж.Абдурахимов маҳсулотларни етказиб бериб тургани, Дж.Абдурахимов маҳсулотларни фактура ва юк варақасига асосан маҳсулотларни текшириб, санаб олиб, фактура билан солиштириб кўриб, тўғри бўлса фактуранинг бир нусхасига қўл қўйиб бергани, Дж.Абдурахимов фактурани имзоланган нусхасини “З.М.Рузметов” МЧЖ га олиб кетгани, Дж.Абдурахимов колбаса маҳсулотларини бир ойда 3-4 маротаба олиб келиб бергани ва сотилган маҳсулотларни пулини пул кўчириш йўли билан ўтказгани, шартномада ҳам нақд пулда бериш кўзда тутилмагани, Дж.Абдурахимовнинг аризасидаги важлар тасдиғини топмаганлиги ва “З.М.Рузметов” МЧЖдан олинган колбаса маҳсулотларини пулини тўлаб берганлиги сабабли уч маротаба жиноят иши кўзғатишни рад қилиш ҳақида қарор қабул қилингани, ўша вақтда “Trio Exclusive” МЧЖнинг “З.М.Рузметов” МЧЖдан қарзи йиғилиб қолганлиги сабабли Дж.Абдурахимов ҳақиқатдан ҳам колбаса маҳсулотларини “Trio Exclusive” МЧЖга етказиб берганлигини раҳбариятига исботлаши учун тилхат ва қарз шартномаси расмийлаштириб беришини айтганидан кейин унга тилхат ва Дж.Абдурахимов ўзига тегишли Лочин логистика корхонаси номидан тузилган қарз шартномасини имзолаб бергани, шундан кейин “З.М.Рузметов” МЧЖдан бўлган қарзларини тўлиқ тўлаб бергани, ҳозирда Дж.Абдурахимов ёки “З.М.Рузметов” МЧЖ дан қарзи мавжуд эмаслиги ҳақида кўрсатув берган.

Иш бўйича тергов органи томонидан жабрлануви деб топилган Дж.Абдурахимов суд мажлисида, 2015 йилдан 2018 йилга қадар судланувчи Ф.Ахмедовнинг Самарқанд шаҳридаги Осиё савдо дўконига Тошкент шаҳридан Рузметов колбаса маҳсулотларини олиб келиб бергани, шу орада Ф.Ахмедов олинган маҳсулотларини пулини тўлолмаганидан кейин унга қарзни ҳужжат билан расмийлаштириб кўйилик дегани, Ф.Ахмедов 2018 йилда қарзини 2 ой ичида тўлаб бериши ҳақида тилхат ва қарз шартномасини расмийлаштиргани, Ф.Ахмедов 2 йил давомида 70,0 млн. сўмни қайтариб, 80,0 млн. сўмни қайтармасдан қолиб кетгани, Ф.Ахмедовга қанча сўмлик маҳсулот берганлиги ёдида йўқлиги, Ф.Ахмедовга юкларни накладной ёки шартнома асосида олдиндан тўлов қилингандан кейин маҳсулот берилгани, пули нақд бўлса товар реализация қилинганидан кейин бўлиб-бўлиб олингани, “Trio Exclusive” МЧЖ ва “З.М.Рузметов” МЧЖ ўртасида тузилган шартномага асосан маҳсулотларни Тошкент шаҳридан Самарқанд вилоятига етказиб бергани, Ф.Ахмедов билан колбаса маҳсулотларини олиб бориб бериб, шундан 80,0 млн. сўм қолиб кетгани, “З.М.Рузметов” МЧЖ билан Ф.Ахмедов ўртасидаги олди-берди тўлиқ ёпилгани, ўзи тадбиркор бўлганлиги сабабли Ф.Ахмедовга маҳсулотни нақд пулда олиб келиб бергани, Лочин Логистик МЧЖ ўзига тегишли экани, Лочин Логистик МЧЖ томонидан маҳсулот берилмагани, Лочин логистик МЧЖ печати билан хусусий тадбиркор Ф.Ахмедов билан қарз шартномасини расмийлаштириб қўйгани, лекин Лочин Логистик МЧЖ ва Ф.Ахмедов ҳамда Осиё супермаркети ўртасида колбаса маҳсулотлари етказиб бериш бўйича шартнома тузилмагани, Ф.Ахмедовга



колбаса маҳсулотларини фуқаро сифатида шартномасиз келишув асосида бергани, колбаса маҳсулотларини олиб бориб, бир ҳафтада пулини тўлаш шарти билан оғзаки келишув қилиб, маҳсулотларини етказиб бергани, шундан кейин Ф.Ахмедов қарз бўлиб қолганидан кейин ишонч сифатида тилхат ёзиб бераман дегани, “З.М.Рузметов” МЧЖ да логистик бўлиб ишламаслиги ҳақида кўрсатув берган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 7-бандида, Мулкни эгаллашга қаратилган фирибгарлик, мазкур мулк айбдор ёки бошқа шахсларнинг ғайриқонуний эгаллигига ўтган ва улар ундан хоҳлаган тарзда фойдаланиш ёки тасарруф этиш реал имкониятига эга бўлган пайтдан тугалланган деб топилади. Қонунга кўра, шахс банкдаги пул маблағларини улар унинг банкдаги ҳисоб варақасига келиб тушган (ўтказилган) пайтдан бошлаб реал тасарруф қилиш имкониятига эга бўлганлиги туфайли, жиноят бу маблағлар уларни маблағ эгаси ҳисоб варақасидан алдаш ёки ишончли суистеъмол қилиш йўли билан олган шахснинг ёки бошқа шахснинг банкдаги ҳисоб варақасига ўтказилган пайтдан тугалланган деб топиш лозим.

Ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқни эгаллашга қаратилган фирибгарлик, айбдорда ўзганинг мулкига эгалик қилиш ёки тасарруф этиш учун юридик жиҳатдан тасдиқланган имконият пайдо бўлган пайтдан (масалан, кўчмас мулкка нисбатан мулк ҳуқуқи ёки қонунга мувофиқ рўйхатга олинishi шарт бўлган бошқа мулкка нисбатан ҳуқуқ рўйхатга олинган пайтдан; шартнома тузилган вақтдан; мулкка нисбатан шахснинг ҳуқуқи тан олинган суд қарори кучга кирган кундан; ваколатли давлат органи айбдорда ёки бошқа шахсларда мулкка нисбатан эгалик қилиш, фойдаланиш ёки тасарруф этиш учун асослар мавжудлиги тўғрисида қарор қабул қилган кундан) тугалланган ҳисобланади.

Ушбу Пленум Қарорининг 8-бандида, Агар шахс ўзганинг мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни мазкур мулк ёки ҳуқуқ унга берилиши шарти билан боғлиқ мажбуриятларни бажармаслик ниятида олган ёки эгаллаган бўлса, қилмиш айбдорда ўзганинг мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни қўлга киритишга нисбатан қасд фақат ўзганинг мулки ёки унга бўлган ҳуқуқ қўлга киритилгунга қадар пайдо бўлган ҳолдагина фирибгарлик сифатида квалификация қилиниши лозим. Ўзганинг мулкни талон-торож қилишга қаратилган қасд мавжудлиги тўғрисида, жумладан, айбдор томонидан сохта ҳужжат ёки кафолат хатларидан фойдаланиш, қарз мавжудлиги ёки мулк гаров остидалиги тўғрисидаги маълумотни яшириш, битимда тарафлардан бири сифатида иштирок этиши учун сохта корхона (ташкилот) тузилиши, кредит маблағларидан мақсадга зид фойдаланиш ёхуд уларни нақдлаштириш кабилар гувоҳлик бериши мумкин. Қайд этилган ҳолатлар ўз ўзидан шахсни фирибгарлик содир этишда айбдор деб топиш учун асос бўлмайди, шу туфайли, шахснинг ўз мажбуриятларини била туриб бажариш нияти бўлмаганлиги ҳар бир муайян ҳолда ишнинг барча ҳолатларидан келиб чиқиб аниқланиши шарт.

Агар ўзганинг мулкни эгаллашга нисбатан қасд айбдорда мулк қабул ингандан кейин юзага келган бўлса, шахснинг ҳаракатлари фирибгарлик



таркибини ташкил этмайди ва муайян ҳолатларни инобатга олган ҳолда ўзганинг мулкини ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан талон-торож қилиш (масалан, шахсинг ўзига хўжалик юритиш, оператив бошқариш, ишончли бошқариш, етказиб бериш, сақлаш, реализация қилиш ва ҳ.к. мақсадида қонуний берилган мулкни қонунга хилоф тарзда ва ҳақини тўламай ўзининг ёки бошқа шахсинг мулкдорлигига қаратиши) сифатида баҳоланиши лозим.

Агар шахс ўзаро ихтиёрий ёзма битим, келишувлар (қарз шартномаси, тилхат, кафолат хати ва бошқалар) асосида ўз зиммасига олган мажбуриятларини уни ижро этиш жараёнида юзага келган айрим объектив сабабларга кўра (масалан, мулкӣ ночорлиги, шартнома тузишда тарафлар учун асос бўлган вазиятнинг жиддий ўзгариши, оғир касаллиги, фавқулодда ҳолат туфайли) бажара олмаса ёки ўзганинг мулкини эгаллашга нисбатан қасд мавжудлигини исботлашнинг имкони бўлмаса, бундай ҳолатлар фуқаролик-хуқуқӣ муносабатлардан келиб чиққан низо сифатида баҳоланиб, фуқаролик, иқтисодӣ суд иши юритуви тартибида ҳал этилади деб тушунтириш берилган.

Бундан ташқари, судланувчи Ф.Ахмедов ва Дж.Абдурахимовнинг кўрсатувлари, 2018 йилда Ф.Ахмедов томонидан ёзилган тилхат ҳамда Ф.Ахмедов ва Дж.Абдурахимов ўртасида тузилган қарз шартномасидан ҳам маълум бўладики, Ф.Ахмедов хусусӣ тадбиркор ва Ф.Ахмедовга тегишли “Trio Exclusive” МЧЖ томонидан Дж.Абдурахимов ўртасида пулларни йиғилиб қолгани, Ф.Ахмедов томонидан колбаса маҳсулотлари шартнома асосида қабул қилиниб, пул маблағлари ўз вақтида тўлаб берилмаганлиги, улар ўртасидаги муносабат фуқаролик ёки иқтисодӣ иш юритиш тартибида ҳал этилиши кўрсатилган.

Мазкур ҳолатда Дж.Абдурахимовнинг кўрсатувидан бошқа далил мавжуд эмас, Ф.Ахмедов ва Дж.Абдурахимов ўртасида тузилган қарз шартномасига кўра низо келиб чиққан тақдирда фуқаролик ёки иқтисодӣ суд тартибида ҳал этилиши кўрсатилган.

Шу ўринда, судланувчи Ф.Ахмедов томонидан ёзилган тилхат ҳамда Ф.Ахмедов ва Дж.Абдурахимов ўртасида тузилган қарз шартномасида 150,0 млн. сўм қарзни тўлаш ҳақида мажбурият олинган бўлиб, Дж.Абдурахимовнинг кўрсатувида кўра ҳозирги кунда Ф.Ахмедов томонидан 70,0 млн. сўм пул маблағи қайтарилиб, 80,0 млн. сўмни бермасдан келганлиги кўрсатилган. Агарда судланувчи Ф.Ахмедов томонидан ўзганинг мулкини фирибгарлик йўли билан қўлга киритиш мақсади бўлганида 70,0 млн. сўм пулни ҳам Дж.Абдурахимовга қайтармаган бўлар эди.

Бундан ташқари, дастлабки тергов ҳаракатлари бир томонама олиб борилиб, Ф.Ахмедов Дж.Абдурахимов томонидан олиб келинган колбаса ва колбаса маҳсулотларини пулларини бир қисмини бериб, қолган қисмини бермасликни олдиндан мақсад қилиб, 2015 йилдан 2018 йилга қадар 150 млн. сўмлик пулларга тенг бўлган колбаса ва колбаса маҳсулотларини пулларини бермасдан келганликда айблаган бўлиб, айблов хулосасида кўрсатилган ушбу



ҳолатнинг ўзи ҳам улар ўртасидаги муносабат фуқаролик ёки иқтисодий суд тартибида ҳал этилиши кераклигидан далолат беради.

Ваҳоланки, мазкур ҳолат бўйича Дж.Абдурахимовнинг ёзган аризалари юзасидан Самарқанд шаҳри бўйича ИИО ФМБ ҳузуридаги тергов органи томонидан 2020 йил 16 декабрь куни ва 2022 йил 24 декабрь куни Ф.Ахмедовни ҳаракатларида жиноят аломатлари йўқлиги сабабли жиноят иши кўзғатишни рад қилиш ҳақида қарорлар қабул қилинган.

Юқоридагиларга кўра, суд, тергов органи томонидан судланувчи Ф.Ахмедовни ўзганинг мулкани алдаш ва ишончини суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритиш мақсадида, ўзининг таниши Абдурахимов Джаббор Абдурахимовичнинг ишончига кириб, ундан 2015 йилдан 2018 йилга қадар колбаса ва колбаса маҳсулотларини қабул қилиб олиб, ушбу колбаса ва колбаса маҳсулотлари пулларини бошида нақд шаклда бериб, унинг ишончига кириб, унинг ишончига киргандан сўнг, ушбу фуқаро Дж.Абдурахимов олиб келган колбаса ва колбаса маҳсулотларини пулларини бир қисмини бериб, қолган қисмини бермасликни олдиндан мақсад қилиб, 2018 йилга қадар 150 млн. сўмлик пулларга тенг бўлган колбаса ва колбаса маҳсулотларини пулларини бермасдан, фирибгарлик жиноятини яшириш мақсадида, жабрланувчи Дж.Абдурахимовга гўёки ундан қарз олмаган бўлса-да, келгусида ушбу пулларни бермаслик мақсадида, қарз олганлигини юзасидан тилхат ва шартнома расмийлаштириб бериб, фирибгарлик йўли билан қўлга киритган ўзганинг кўп миқдоридаги 150 млн. сўмлик колбаса ва колбаса маҳсулотларини сотиб, пулларини ўзининг шахсий эҳтиёжлари учун ишлатиб юборганликдаги Ф.Ахмедовнинг айбини исботловчи далил мавжуд эмаслиги ҳамда ушбу айблов суд жараёнида ўз исботини топмаганлиги сабабли Ф.Ахмедовни ушбу айблов эпизоди билан ЖПКнинг 83-моддаси 1-қисми билан оқлаб, Дж.Абдурахимовни ушбу жиноят иши бўйича жабрланувчи процессуал мақомидан, гувоҳ мақомига ўтказиб, Дж.Абдурахимовга келгусида тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда Ф.Ахмедов ёки “Trio Exclusive” МЧЖдан зарарини ундириш юзасидан фуқаролик ёки иқтисодий иш юритиш тартибида судга мурожаат қилиш ҳуқуқи мавжудлигини тушунтиришни лозим топди.

Бундан ташқари, суд, дастлаб тергов органи томонидан судланувчи Ф.Ахмедов ва М.Фазиловани бир гуруҳ бўлиб, А.Халиковни алдаб, баҳоси 1.028.524.000 сўмлик Оқдарё тумани “Пўлатдархон” МФЙда жойлашган 489-сонли дала ҳовлини фирибгарлик йўли билан расмийлаштириб олганликда шошма-шошарлик билан айбланга деб ҳисоблайди.

Хусусан, иш ҳужжатлари ҳамда судда ва дастлабки терговда аниқланган ҳолатларга кўра, А.Халиков ўзига ишончнома орқали тегишли бўлган Оқдарё тумани “Пўлатдархон” МФЙда жойлашган 489-сонли дала ҳовлини судланувчи М.Фазилованинг онаси Л.Фазилованинг номига ўз хоҳиши билан нотариал тартибда олди-сотди шартномаси орқали расмийлаштириб берган.

Судда сўралган гувоҳ Р.Нурқосимов суд мажлисида, 2023 йил 13 июнь кўни фуқаро Халиков Азиз ўзига тегишли Оқдарё тумани “Пўлатдархон” МФЙда жойлашган 489-сонли дала ҳовлисини Фазилова Людмилага



сотганлиги бўйича мурожаат қилгани, олди-сотди шартномасини тасдиқлашдан олдин сотувчи А.Халиков ва сотиб олувчи Л.Фазилгани олдида улардан сотувчига пулни олдингизми деб сўраганида ҳа олдим деганидан кейин, уларни имзоси ва бармоқ излари билан тасдиқлатиб, олди-сотди шартномасини расмийлаштириб бергани, шу вақтда сотувчи ва сотиб олувчи ўртасида ҳеч қандай низо бўлмагани, олди-сотди шартномаси видео ёзуви вақт ўтиши билан ўчиб кетгани, чунки мажбурий тартибда видео ёзувга олиниши лозим бўлган нотариал битим бўлмаганлиги сабабли видеога олинмагани, сотувчи ёки сотиб олувчига ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилгани, ушбу нотариал битимни расмийлаштириш бўйича А.Халиков мурожаат қилгани, қарз шартномаси бўйича А.Халиков мурожаат қилмагани, шартномада улар томонидан келишилган суммани кўрсатгани, давлат божи сотиб олувчи томонидан тўлангани, пулни олдингизми деб сўраш одатий ҳол бўлганлиги сабабли буни сўрамасликнинг иложи йўқлиги, сотувчига пулни олмаган бўлсангиз эртага мулкни қайтариб олиш имкони йўқолишини тушунтиргани ҳақида кўрсатув берган.

Шунингдек, судланувчи Ф.Ахмедов суд мажлисида А.Халиков срочни пул керак Оқдарё тумани “Пўлатдархон” маҳалласида жойлашган дала ҳовлимни 35.000 АҚШ долларига сотаман дегани, А.Халиков ушбу дала ҳовлини доверность бўйича ўзига тегишли эканлигини айтгани, сўнг Ким Игорга дала ҳовлини сотиб олишни таклиф қилгани, Ким Игорь ва А.Халиковнинг укаси Халиков Шохрух билан дала ҳовлини бориб кўришгани, Ким Игорь дала ҳовлини кўриб, катта йўлдан анча ичкарида экан ва 30.000 АҚШ долларига арзимас экан сотиб олмайман дегани, офисида ишловчи М.Фазилова “дала ҳовлини кўрдингизми, қандай экан, 30.000 АҚШ долларига сотмас эканми, онам касал, домда яшайман, шунинг учун маъқул келса 30.000 АҚШ долларига сотиб оламан дегани, А.Халиковга М.Фазилонинг таклифини айтганидан кейин улар ўзаро гаплашгани, А.Халиков нотариусни ўзи топиб, нотариусга бирга бориб дала ҳовлини М.Фазилонинг онаси Л.Фазилонинг номига расмийлаштириб сотганлиги ҳақида кўрсатув берган.

Судланувчи М.Фазилова суд мажлисида, Самарқанд шаҳар Боғишамол кўчасидаги кўп қаватли уйда ота онаси билан бирга яшаганлиги ҳамда ўша вақтда ҳомиладор бўлганлиги сабабли шаҳар ташқарисидан дала ҳовли сотиб олмоқчи бўлгани, Ф.Ахмедов Оқдарё тумани “Пўлатдархон” МФЙда А.Халиковга тегишли дала ҳовли 35.000 АҚШ долларига сотилаётганлигини айтгани, Ф.Ахмедовга дала ҳовлини кўришини айтгани, шундан кейин Ф.Ахмедов А.Халиков билан бирга дала ҳовлини кўрсатганида 28.000 АҚШ долларига сотиб олишини билдиргани, А.Халиков дала ҳовлисини 30.000 АҚШ долларига сотишга рози бўлгани, А.Халиковни шу вақтлари танигани, А.Халиков нотариал идорани топиб, барча ҳужжатларни ўзи тайёрлаб чақиришини айтгани, орадан бир ҳафта вақт ўтиб А.Халиков қўнғироқ қилиб нотариал идоранинг локациясини ташлаб бергани, дала ҳовлини онаси Фазилова Людмилани номига олаётганлиги сабабли онаси билан бирга нотариал идорага бирга боришгани, нотариал идоранинг ташқарисида



А.Халиковга 30.000 АҚШ долларини бергани, сўнг онаси Л.Фазилова билан биргаликда нотариал идорага кириб, дала ҳовлини онасининг номига расмийлаштиргани, нотариус А.Халиковдан пулни олдингизми деганида ҳа олдим деб жавоб бергани, А.Халиков ва Ф.Ахмедов ўртасидаги олди-бердидан хабари йўклиги, нотариусга Ф.Ахмедов бормагани, Ф.Ахмедов билан бирга ишлашгани, А.Халиковга 30.000 АҚШ доллар берганлигини ҳеч ким кўрмагани, пулни уйдан олиб чиққанлигини онаси Л.Фазилова кўргани, Ким Игорни танимаслиги, Ким Игор унга ёки онасига ҳеч қандай қариндош эмаслиги, нотариусда А.Халиковни ҳеч ким мажбурламагани, А.Халиковга Л.Фазилованинг паспорт нусхасини нотариусга боришдан олдин унга тақдим қилингани, Ф.Ахмедов А.Халиковга 30.000 АҚШ долларини дала ҳовлини расмийлаштирганидан кейин қарзга берганлигини айтганлиги ҳақида кўрсатув берган.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Р.Нурқосимов томонидан 2023 йил 13 июнь куни тузилган олди-сотди шартномасига кўра, А.Халиков ўзига тегишли Оқдарё тумани “Пўлатдархон” МФЙда жойлашган 489-сонли дала ҳовлисини Л.Фазиловага сотганлиги аниқланган.

Бундай ҳолатда, судланувчи Ф.Ахмедов ва М.Фазиловани бир гуруҳ бўлиб, А.Халиковни алдаб, баҳоси 1.028.524.000 сўмлик Оқдарё тумани “Пўлатдархон” МФЙда жойлашган 489-сонли дала ҳовлисини фирибгарлик йўли билан расмийлаштириб олганликда айблаб бўлмайди.

Аксинча, Судланувчи Ф.Ахмедов “SAM TRIO STROY” МЧЖ раҳбари вазифасида ишлаб, муқаддам жабрланувчи А.Халиковнинг раҳбарлигидаги “BULUNGUR NATURAL AGRO” МЧЖ номига 2021 йил август ойида “Капитал банк” Самарқанд филиалидан олинган кредит маблағларининг олиншида “SAM TRIO STROY” МЧЖ кафил сифатида ўтиб, А.Халиков кредит маблағларини ўз вақтида тўламаганлиги сабабли “SAM TRIO STROY” МЧЖнинг ҳисоб рақамидан кредит қарздорлиги учун пул маблағи ечиб олинганидан кейин, 2023 йил июнь ойида А.Халиков Ф.Ахмедовга кредитни қоплаш ва бошқа харажатлари учун 30.000 АҚШ доллар қарзга пул топиб беришини, эвазига Оқдарё тумани Пулатдархон маҳалласида жойлашган дала ҳовлисини нотариал тартибда гаровга қўйиб туришини билдирганидан кейин, Ф.Ахмедов ўзи билан бирга ишловчи судланувчи М.Фазилова билан бир гуруҳ бўлиб, ушбу дала ҳовлини А.Халиков ўз хоҳиши билан судланувчи М.Фазилованинг онаси Л.Фазилованинг номига 2023 йил 13 июнь куни Самарқанд шаҳри А.Жомий кўчаси 80-уйда жойлашган хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариал идораси орқали нотариал тартибда расмийлаштириб берганидан кейин, ушбу дала ҳовлини ўзиники деб ҳисоблаб, ҳақиқий ёки фараз қилинган ҳуқуқларни ўзбошимчалик билан амалга ошириб, 2023 йил июль ойида дала ҳовли низоли эканлигини билгани ҳолда АЖ “InFinBank” Самарқанд вилоят филиали томонидан Ф.Ахмедов раҳбарлик қилаётган “SAM TRIO STROY” МЧЖга тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш мақсадида ажратилган 2,0 млрд. сўмлик кредит таъминоти



сифатида жуда кўп миқдордаги мулкани ўзбошимчалик билан гаровга қўйиш орқали А.Халиковга жиддий зиён етказган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 229-моддасида Ўзбошимчалик, яъни ҳақиқий ёки фараз қилинган ҳуқуқларни ўзбошимчалик билан амалга ошириш фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан кўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказилишига сабаб бўлса жиноий жавобгарликни келтириб чиқариши белгиланган.

Жиноят кодекси 229-моддасига шарҳда, Ўзбошимчалик фақат фаол ҳаракатлар билан содир этилади, ҳаракатсизлик билан ўзбошимчаликни содир этиб бўлмайди. Шу муносабат билан, масалан, айбдорни муайян ҳаракатлар бажаришга мажбур қиладиган суд қарорини бажармаслик ўзбошимчалик, деб баҳоланиши мумкин эмас.

Ҳақиқий ёки фараз қилинган ҳуқуқларни ўзбошимчалик билан амалга ошириш мазкур ҳуқуқни амалга оширишга қаратилган ҳаракатларнинг ушбу ҳаракатларни бажаришга ҳеч қандай ваколатларга эга бўлмаган шахслар томонидан, белгиланган тартибни бузган ҳолда амалга оширилишини кўзда тутади.

Айбдор тегишли ҳужжатлар билан белгиланган тартибга мувофиқ ҳаракат қилиши шарт бўлган ҳолатларда турли ҳуқуқларни қўлга киритиш ёки амалга оширишнинг қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан белгиланган тартибини бузадиган бирон-бир ҳаракатларнинг айбдор томонидан содир этилиши белгиланган тартибни бузиш, деб эътироф этилиши лозим.

Ҳақиқий ҳуқуқ – шахсга қонун ёки бошқа норматив ҳужжатга асосан тегишли, лекин белгиланган тартибга риоя қилмаган ҳолда амалга оширилган ҳуқуқ. Масалан, жабрланувчининг қарзини қайтариб беришга мажбур этиш мақсадида бировнинг мулкани ўзбошимчалик билан тортиб олиш.

Айрим ҳолларда судлар қонуний ҳуқуқи бўлган ва жабрланувчи томонидан ғайриқонуний равишда ушлаб турилган мулкни зўрлик ишлатиб тортиб олиш ҳолларини хато тарзда босқинчилик, талончилик ва товламачилик деб квалификация қилишади. Бундай ҳаракатлар ўзбошимчалик деб квалификация қилиниши зарур. Ўзбошимчалик содир этилганда жисмоний ёки руҳий куч ишлатишни эса, шахсга қарши жиноят ва ўзбошимчалик жиноятлари мажмуи тариқасида квалификация қилиниши лозим.

Фараз қилинган ҳуқуқ – бу шахс томонидан хато тарзда ўзига қонуний равишда тегишли деб ҳисобланадиган, лекин қонунга мувофиқ унга тегишли бўлмаган ҳуқуқ (масалан, бировнинг квартирасига кўчиб келиш ва ҳаказо).

Суд, судланувчи Ф.Ахмедов ва М.Фазиловани бир гуруҳ бўлиб, жабрланувчи А.Халиковга тегишли 1.028.524.000 сўмлик тегишли Оқдарё тумани “Пўлатдархон” МФЙда жойлашган 489-сонли дала ҳовлини ўзбошимчалик билан ўзики деб ҳисоблаб гаровга қўйганликдаги жиноий қилмиши қўйидагилар билан ҳам исботланган деб ҳисоблайди.



Хусусан, ишга қўшилган А.Халиков ва М.Фазилова ўртасидаги суҳбат стенограммаси ва дискдаги аудио сўзлашувлардаги яъни “А.Халиков: Сиз менга пул бердингизми?” “М.Фазилова: Азиз ака, мен сизга айтдим, анави хонага бориб масалангизни ўша ерда ечинг. Менинг олдимга бунақа саволлар билан келманг.Бўлди. Мавзу ёпилди. Бошидан у (Фаррух) билан келишганми сиз? Ундан сўраверинг саволларингизни.” “А.Халиков: Нотариус идорасида сиз ҳам борлигингиз учун, сиздан сўраяпман.” “М.Фазилова: Сиз ҳам бормидингиз нотариус идорасида?” “Азиз: Ҳа” “Малика: Имзо чекдингизми?” “А.Халиков: Ҳа” “Малика: Ўша ерда мenden сўрамаганми сиз? Шунинг учун ҳозир ҳам мenden ҳеч нима сўраш керак эмас. У ерга боринг, ўша ерда икковларингиз ҳал қилаверинглар ораларингизда.” “А.Халиков: Мен сиздан нечи маротаба сўрадим Игорь ҳақида?” “М.Фазилова: Сиз ким бўлибсиз-ки мен сизнинг саволларингизга жавоб берсам? Ким сиз?” “М.Фазилова: Мен айтган эдим-ку Игорь менга пул бериши керак деб” “М.Фазилова: Нима фарқи бор? Мenden ҳеч нима сўраш керак эмас. Сизнинг у (Фаррух) билан умумий ишларингиз борми, ўша билан ҳал қилинг. Менга деса, ўлдириглар бир-бировингни.” “М.Фазилова: У берди сизга пулларни” “А.Халиков: Қачон?!” деган сўзлари билан;

А.Халиков томонидан тақдим қилинган Ф.Ахмедов билан ёзишган смс хабарларидаги яъни 2023 йил 15 июнь куни соат 21:53 дақиқа ўтганда ёзилган яъни “корейца худам ёфта гап занамми” “пешашба равем ёки” “ака мана сарам гурватба монд, мана тутри фамед якта пеши игорьба равем” ёзишмалари билан ва Ф.Ахмедов томонидан “ака чи могоет вайба” “заебать кайсаску” деб ёзган жавоблари билан;

Ф.Ахмедов ва А.Халиков ўртасидаги, аудиоёзув стенограммасидаги А.Халиков: кредит ёпилганда, дала ҳовлини ким қайтаради?. Ф.Ахмедов пулини берсангиз, дала ҳовлингиз қайтарилади. А.Халиков: дала ҳовлини кимнинг номига расмийлаштирингиз?. Ф.Ахмедов қайтариб беради. А.Халиков ким қайтаради, ким кафолат беради?. Ф.Ахмедов мен кафолат берман. А.Халиков а сиз алдаб ўтирибсизку кредитни олиб. Кафолат бера оласизми?. Ф.Ахмедов йўқ, мен кафилман қайтарилишига деган сўзлари билан исботланган.

Юқоридагиларга кўра, суд, судланувчи Ф.Ахмедов ва М.Фазиловага нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми “а” банди билан қўйилган айбловни ЖКнинг 229-моддасига қайта квалификация қилишни лозим топди.

Бундан ташқари, суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи М.Фазилонани Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 238-моддаси 1-қисми қуйидагиларга кўра нотўғри айблаган деб ҳисоблайди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 238-моддаси 1-қисмида Ёлфон гувоҳлик бериш, яъни суриштирув олиб бориш, дастлабки тергов чоғида ёки судда гувоҳнинг ёки жабрланувчининг била туриб ёлфон кўрсатув бериши ёхуд экспертнинг била туриб ёлфон хулоса бериши, худди шунингдек таржимоннинг бир тилдан иккинчи тилга била туриб нотўғри таржима панлик учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган.



Жиноят кодексига шарҳларда, ЖКнинг 238-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятнинг объектив томони гувоҳнинг била туриб ёлғон кўрсатув бериши, жабрланувчининг била туриб ёлғон кўрсатув бериши, таржимоннинг бир тилдан иккинчи тилга била туриб нотўғри таржима қилиши ҳаракатларидан бири бажарилишида ифодаланади. Ушбу ҳаракатларнинг барчаси судда ёхуд суриштирув ёки дастлабки тергов даврида бажарилиши мумкин. Мазкур жиноятнинг субъекти махсус бўлиб, қонун бўйича ишда гувоҳ, жабрланувчи, эксперт ёки таржимон сифатида қатнашиши мумкин бўлган шахс ҳисобланади.

Жиноят қонуни нормаларига кўра, гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи ишнинг ҳар қандай босқичида ўзи хоҳлаган тарзда кўрсатув беришга, шунингдек суриштирувчи, терговчи ва судни чалғитадиган ёки айбини инкор қилинадиган ҳар қандай кўрсатув беришга ҳақли бўлиб, гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчини дастлаб гувоҳ тариқасида сўрок қилинган вақтида берган кўрсатуви билан уни ёлғон кўрсатув берганликда айблаб бўлмайди.

Юқоридагиларга кўра, суд, судланувчи М.Фазилгани ҳаракатларида ёлғон гувоҳлик берганликда ЖКнинг 238-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят таркиби йўқлиги сабабли М.Фазилгани ушбу айблов эпизоди билан ЖКнинг 83-моддаси 1-қисми билан оқлашни лозим топди.

Суд, янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 20-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган “Давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак” ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарори талабларига риоя қилиб, судланувчининг шахсини ва содир этган жиноятининг ижтимоий хавфлилиқ даражасини ҳамда жиноят содир этганидан кейинги ҳуқ-атворини инобатга олиб, унга нисбатан жазо тури ва миқдорини танлашда:

Пленум Қарорининг 5-бандида “Судлар ижтимоий хавфи катта бўлмаган, шунингдек унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган ва жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатилиши мумкин бўлган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинлаш учун қонунда мавжуд барча имкониятлардан тўлиқ фойдаланишлари керак. Қонун нормаси санкциясида альтернатив жазолар мавжуд бўлганда ҳукмда озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазони қўллаш зарурлиги тўғрисидаги масала муҳокама этилиши шарт”;

Мазкур Қарорнинг 26-бандида “Озодликдан маҳрум қилиш жазо тариқасида оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этган шахсларга, шунингдек судланувчининг шахсини инобатга олган ҳолда - ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларни содир қилган шахсларга нисбатан, агар бундай шахсларни жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатишнинг имкони бўлмаса, қўлланилади”.

Шунингдек, Қарорининг 37-бандидаги “ЖК 57-моддасига мувофиқ



содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкин”;

40-бандида, “Кўшимча жазо чораларининг янги жиноятлар содир этилиши олдини олиш учун катта аҳамиятга эга эканлигидан келиб чиқиб, судларга ҳукм чиқариш пайтида асосий жазо билан бирга тегишли қўшимча жазо қўллаш масаласини ҳам муҳокама қилиш тавсия қилинсин, 45-бандида, Жиноят кодекси 45-моддасига мувофиқ, айбдор ўзи эгаллаган лавозим ёки хизмат фаолияти билан бевосита боғлиқ ҳолда жиноят содир этган ҳар бир ҳолда, суд, жиноятнинг хусусиятидан келиб чиқиб, маҳкумни у ёки бу мансабни эгаллаш ёки муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш масаласини муҳокама қилиши шарт. Бундай жазони тайинлаш пайтида ҳукмнинг қарор қисмида судланувчи шуғулланиши мумкин бўлмаган мансаб характери ёки фаолият тури аниқ кўрсатилиши керак. Ҳукм чиқарилаётган пайтда маҳкум жиноят содир этилиши билан боғлиқ бўлган мансабни эгалламаслиги ёки фаолият тури билан шуғулланмаслиги ҳолати қўшимча жазо қўллаш учун тўсиқ бўлмайди” деб белгиланган тушунтиришларига амал қилиб;

Ф.Ахмедовнинг муқаддам судланмаганлиги, уч нафар вояга етмаган фарзандлари борлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жиноятни ғараз ва паст ниятда содир қилганлигини жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб топиб, унинг оилавий шароитини, ёшини, жавобгарлигини енгиллаштирувчи ҳолатларни, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини ҳуқуқий баҳолаб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасидаги “Жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши керак”лиги ҳақдаги инсонпарварлик принципига риоя этиб, ЖКнинг 45-моддасида тадбиркорлик субъектларига нисбатан муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси тайинланмаслиги ҳақидаги талабига риоя этиб, унга нисбатан муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш мақсадга мувофиқ эмас деб топиб, айбланган модда санкциясида белгиланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлашни, ЖКнинг 62-моддаси тартибида қамоқда сақланган ҳар бир кунини ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг уч кунига тенглаштириб, тайинланган жазодан чегиришни;

ҳукм ижросини таъминлаш мақсадида Ф.Ахмедовга нисбатан қўлланилган қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чорасига ўзгартириб, дарҳол суд залидан қамоқдан озод қилишни, ҳукм қонуний кучга киргач муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чорасини бекор қилишни;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти рисида”ги қарорининг 2-бандида “Судларга тушунтирилсинки, ЖКнинг



10-моддасида назарда тутилган жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи жазо қўлланилиши шартлигини англамайди.

Шу туфайли судлар, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган, етказилган зиённи қоплаган шахсларни ЖК 65, 66, 70, 71-моддаларига мувофиқ жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш масаласини муҳокама қилишлари лозим” деб тушунтирилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 70-моддасида жиноят содир этган шахс агар иш судда кўрилатган вақтгача шароит ўзгарди ёки шахс намунали хулқи, меҳнатга ёки ўқишга ҳалол муносабати билан ўзини кўрсатиб, ижтимоий хавфлилигини йўқотди деб эътироф этилса, суд уни жазодан озод қилиши мумкин.

Бошқа шахслар билан биргаликда жиноят содир этишда иштирок қилган ёки уюшган гуруҳ ёхуд жиний уюшма аъзоси бўлган шахс, агар у айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган, жиноятнинг олдини олиш, жиноятни очиш ёки унинг ташкилотчиларини ёхуд бошқа иштирокчиларини аниқлаш ва фош қилишга ёрдам берган бўлса, башарти у оғир ёки ўта оғир жиноят содир этишда бевосита иштирок этмаган бўлса, суд томонидан жазодан озод қилиниши мумкин деб кўрсатилган.

Суд, янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 20-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган “Давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак” деб берилган талабига ҳамда юқоридаги Пленум Қарори тушунтиришларга амал қилиб, суд судланувчи М.Фазиловага жазо тури ва миқдорини тайинлашда, уни ҳаракатларини ижтимоий хавфлилик даражасини ва содир этилган жиноятнинг хусусиятини, унинг шахсини, аёллигини, бир нафар вояга етмаган фарзанди борлигини, пушаймонлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топиб, жиноятни ғараз ва паст ниятда содир қилганлигини жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб топиб, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини инобатга олиб, уни жамиятдан ажратмаган ҳолда ҳам тарбиялаш имконияти бор деган хулосага келиб, у томонидан содир этилган жиноят ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар туркумига киришлигини, амалда қилмишидан пушаймон бўлганлигини инобатга олиб, у ижтимоий хавфлилигини йўқотди деб эътироф этиб, М.Фазилвани Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 70-моддасига асосан жазодан озод қилишни, ҳукм қонуний кучга киргач эҳтиёт чорасини бекор қилиб, вилоят ИИБ депозит ҳисоб рақамига тўланган 10.000.000 сўм гаров пулини унинг ўзига қайтаришни;

жабрланувчи А.Халиковга келгусида Самарқанд шаҳридаги хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Нурқосимов Рамзиддин Сайфиддинович томонидан 2023 йил 13 июнь кунги олди-сотди шартномаси ва 14:08:05:01:20:0489 рақамли кадастр йиғма жилдини бекор қилиш ёки



хақиқий эмас деб топиш юзасидан фуқаролик суд иш юритиш тартибида судга муурожаат қилиш ҳуқуқи мавжудлигини тушунтиришни;

фуқаро Дж.Абдурахимовга судланувчи Ф.Ахмедов ёки “Trio Exclusive” МЧЖдан зарарини ундириш юзасидан фуқаролик ёки иқтисодий иш юритиш тартибида судга муурожаат қилиш ҳуқуқи мавжудлигини тушунтиришни;

судланувчи Ф.Ахмедовга жабрланувчи А.Халиковдан 30.000 АҚШ долларини ундириш масаласида фуқаролик иш юритиш тартибида судга муурожаат қилиш ҳуқуқи мавжудлигини тушунтиришни, ишга қўшилган диск ва ёзма далилларни жиноят иши билан бирга сақлашни лозим топди.

Юқоридагиларга кўра, жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар суди Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 454-457, 462-463, 465-468, 471-474-моддаларига амал қилиб,

Х У К М Қ И Л А Д И:

Ахмедов Фарух Садридинович Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 229-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Ахмедов Фарух Садридиновичга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 229-моддаси билан иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 1 йил 10 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

ЖКнинг 62-моддаси тартибида 2023 йил 14 декабрдан 2024 йил 26 апрель кунига қадар қамоқда сақланган 135 куннинг ҳар бир кунини ахлоқ тузатиш ишлари жазосини уч кунига тенглаштириб, тайинланган жазодан чегириб, 8 (саккиз) ой 15 (ўн беш) кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қолдирилсин.

Тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташ муддати Ф.Ахмедов ички ишлар органларидан хабарнома олган кундан бошлаб ҳисобланиб, жазони ўзининг иш жойида ўтаттирилсин.

Судланувчи Ф.Ахмедовга нисбатан қўлланилган қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чорасига ўзгартирилсин ва дарҳол суд залидан қамоқдан озод қилинсин, ҳукм қонуний кучга киргач муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Фазилова Малика Кучкаровнанинг ҳаракатларида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 238-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят тарки йўқлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 83-моддаси 1-бандига асосан оқлансин.

Фазилова Малика Кучкаровна Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 229-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилсин.

Фазилова Малика Кучкаровна Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 70-моддасига асосан жазодан озод қилинсин.



Ҳукм қонуний кучга киргач М.Фазиловага нисбатан қўлланилган гаров эҳтиёт чораси бекор қилиниб, вилоят ИИБ депозит ҳисоб рақамига тўланган 10.000.000 сўм гаров пули унинг ўзига қайтарилсин.

Жабрланувчи А.Халиковга келгусида Самарқанд шаҳридаги хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Нурқосимов Рамзиддин Сайфиддинович томонидан 2023 йил 13 июнь кунги олди-сотди шартномаси ва 14:08:05:01:20:0489 рақамли кадастр йиғма жилдини бекор қилиш ёки ҳақиқий эмас деб топиш юзасидан фуқаролик суд иш юритиш тартибида судга мурожаат қилиш ҳуқуқи мавжудлиги тушунтирилсин.

Фуқаро Дж.Абдурахимовга судланувчи Ф.Ахмедов ёки “Trio Exclusive” МЧЖдан зарарини ундириш юзасидан фуқаролик ёки иқтисодий иш юритиш тартибида судга мурожаат қилиш ҳуқуқи мавжудлиги тушунтирилсин.

Судланувчи Ф.Ахмедовга жабрланувчи А.Халиковдан 30.000 АҚШ долларини ундириш масаласида фуқаролик иш юритиш тартибида судга мурожаат қилиш ҳуқуқи мавжудлиги тушунтирилсин.

Ишга қўшилган диск ва ёзма далиллар жиноят иши билан бирга сақла

Ҳукмдан норози тарафлар ва ишда тараф бўлмаган шахслар ҳам суд ҳукмининг ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор қисми устидан ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ва жабрланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб ўн сутка ичида шу суд орқали Самарқанд вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргач кассация тартибида шикоят бериши ёки прокурор протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи судья

З.Тўраев

